



USAID
AMERIKA XALQIDAN



**РЕСПУБЛИКА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ
ОРГАНЛАРИ ФУНКЦИЯЛАРИНИ
УЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ БҮЛИНМАЛАРИ,
ШУНИНГДЕК МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ
ОРГАНЛАРИГА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЁТ**

Тошкент – 2024

УҮК:
КБД:

Республика ижро ҳокимияти органлари функцияларини уларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш бўйича услубиёт. – Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 й. – 34 б.

ISBN

УҮК:
КБД:

Мазкур услубиёт АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Услубиёт мазмуни бўйича маъсулият Chemonics International ра юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

ISBN

© “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ
Қисқа умумий маълумот
Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларига бериш бўйича услубиёт
1-БОБ. Умумий қоидалар
2-БОБ. Вазифаларни топшириш тартиби
3-БОБ. Функционал шарҳни амалга ошириш учун ишчи груп тузиш
4-БОБ. Ваколатли орган ҳуқуқлари
5-БОБ. Функционал шарҳни амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш
6-БОБ. Давлат органларининг қайтарилувчи вазифаларини белгилаш
7-БОБ. Давлат органларининг вертикал туташ вазифаларини белгилаш
8-БОБ. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топширишни меъёрий-ҳуқуқий мустаҳкамлаш
9-БОБ. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг марказизлантиришни амалга оширишда ҳуқуқ ва мажбуриятлари
10-БОБ. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига давлат вазифаларини топшириш муддатлари. топширилган вазифаларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби
11-БОБ. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан топширилган вазифаларни тугатиш ва тўхтатиб туришнинг асослари ва тартиби
12-БОБ. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли давлат органлари олдида ҳисобдорлиги
13-БОБ. Топширилган вазифаларни бажариш учун жавобгарлик
ХУЛОСА

КИРИШ

Номарказлаштириш бу давлат бошқарувини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мажмуй бўлиб, ресурслар, масъулият ва ваколатларнинг давлат ҳокимиятининг юқори бўғинларидан қўйи бўғинларига ўтказишга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлардир. Номарказлаштириш марказий бошқарув органлари функцияларининг меъерида бўлишини, айrim функциялар босқичма-босқич уларнинг қўйи бўғинларига ёхуд хусусий секторга ўтказилишини англатади.

Бошқарув органларининг қўйи бўғинлари давлатнинг фуқароларга энг яқин бўғини бўлиб, маҳаллий муаммолар ва уларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўғрисида улар кўпроқ хабардор бўлишади. Номарказлаштириш натижасида бошқарув органларининг қўйи бўғинларida жавобгарлик ва масъулият ортиб, пировардида давлат бошқаруви самарадорлиги ортишига, тезкор ва самарали қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Шу сабабли мамлакатимизда номарказлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, номарказлаштириш босқичма-босқич амалга ошириб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши иккинчи бўлимида давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш вазифаси илгари сурилган.

Номарказлаштириш деганда бошқарув функциялари учун масъулият, ваколат ва жавобгарликни қўйи даражаларга ўтказиш жараёни назарда тутилган бўлиб, уни қўйидаги турларга ажратишимиш мумкин:

сиёсий номарказлаштириш — фуқароларга ёки уларнинг сайланган вакилларига қарорларни қабул қилишда ваколат бериш,

ҳисобдорлик ва шаффофлик орқали аҳолининг фикрини инобатга олиш;

маъмурий номарказлаштириш — масъулият ва ваколатлар ҳукумат даражалари ўртасида тақсимланиши, яъни давлат хизматларини марказдан қўйи бўғинларга ўтказиш;

фискал номарказлаштириш — ҳукуматнинг турли даражасида харажатлар, даромадлар ва қарзларни тақсимлаш.

Ушбу вазифадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон Фармонида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш белгиланган.

Амалга оширилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 6-мақсад йўналишлари сифатида давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда хусусий секторга ўтказиладиган айrim давлат функциялари сонини 3 баробарга ошириш белгиланган.

Шунингдек, мазкур Фармон билан тасдиқланган давлат дустурининг 20-бандида давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш вазифаси юкланган.

Бу вазифани амалга ошириш учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва ҳудудий давлат бошқаруви органларининг жойларда масалаларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, республика давлат бошқаруви органларининг функция ва ваколатларини ҳудудий давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказишнинг тартибини ишлаб чиқиш, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ишида рақамли технологияларни жорий қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида мазкур вазифалар аниқлаштирилган

ҳолда 78-мақсадда 2030 йилгача эришиладиган самарадорлик кўрсаткичи шаклида белгиланган. Хусусан, давлат бошқарувини номарказлаштириш сиёсати доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг камидаги 30 фоиз вазифа ва функцияларини маҳаллий ижро органларига ўтказиш белгиланган.

Мазкур кўрсаткичларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2024 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатида давлат бошқарувини номарказлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Мазкур ишларни самарали ташкил этиш учун үслубий масалалар мұхим аҳамиятга эга бўлади. Бунда номарказлаштириш бўйича үслубиётнинг мавжудлиги тегишли жараёнларни тўғри ташкиллаштириш ва хатоларнинг олдини олишга хизмат қиласди.

ҚИСҚАЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмларига топшириш бўйича қўлланиладиган атамалар;
- Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмларига топшириш жараёнида амал қилиниши керак бўлган мезонлар;
- Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмларига топшириш жараёнида йўл қўйилмаслиги лозим бўлган ҳолатлар.

2-БОБ. ВАЗИФАЛАРНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

– Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмларига топшириш тартиби;

– Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функционал шарҳи.

3-БОБ. ФУНКЦИОНАЛ ШАРҲНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ИШЧИ ГУРУҲ ТУЗИШ

- Функционал шарҳни амалга ошириш бўйича ишчи гурӯҳ тузиш асослари;
- Функционал шарҳни амалга ошириш бўйича ишчи гурӯҳ вазифалари;

- Функционал шарҳни амалга ошириш бўйича ишчи гурӯҳни мувофиқлаштириш асослари.

4-БОБ. ВАКОЛАТЛИ ОРГАН ҲУҚУҚЛАРИ

- Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмаларига ўткизиш бўйича ваколатли органнинг асосий ваколатлари.

5-БОБ. ФУНКЦИОНАЛ ШАРҲНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ТЎПЛАШ

- Давлат бошқарувининг тегишли соҳасида функционал шарҳни амалга ошириш доирасида маълумотлар тўплаш;
- Ташқи манбалардан олинган маълумотлар;
- Функционал шарҳни амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш якунлари;
- Давлат органлари вазифаларини белгилаш доирасидаги таҳлил босқичлари.

6-БОБ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАЙТАРИЛУВЧИ ВАЗИФАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

– Давлат органларининг қайтариливчи вазифаларини белгилаш мезонлари;

– Давлат органлари ривожланиш режаларининг мақсадлари давлат органи вазифаларига мувофиқлигини экспертилик хуносаси.

7-БОБ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВЕРТИКАЛ ТУТАШ ВАЗИФАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

- Давлат органлари вазифаларини мавжуд вертикал белгиланишини сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;
- Маҳаллий ижро органларининг вертикал туташ вазифаларини амалга оширишга тайёрлигини баҳолаш;
- Давлат органлари вертикал туташ вазифаларини белгилаш учун Ишчи гурӯҳ томонидан таклифларни шакллантириш.

8-БОБ. РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИНИ МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИГА ТОПШИРИШНИ МЕ'ЁРИЙ- ҲУҚУҚИЙ МУСТАҲКАМЛАШ

1

2

3

Ишчи гурӯҳ томонидан вазифаларни топшириш бўйича функционал шарҳнинг натижаларини, шунингдек таклиф ва тавсияларни киритиш;

Ишчи гурӯҳнинг таклиф ва тавсияларини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш ва хулоса бериш;

Ваколатли орган томонидан таклифлар маъқулланганда уларни реализация қилиш тартиби.

9-БОБ. РЕСПУБЛИКА ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ МАРКАЗСИЗЛАНТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



– Республика ижро этувчи ҳокимият органининг ўз вазифаларини маҳаллий ижро ҳокимиятига топшириш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари;



– Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг топширилган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

10-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИГА ДАВЛАТ ВАЗИФАЛАРИНИ ТОПШИРИШ МУДДАТЛАРИ. ТОПШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ



– Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топшириш муддатлари;



– Республика ижро этувчи ҳокимият органлари топширилган вазифалар устидан назорат ўрнатиш ва мувофиқлаштириб бориш;



– Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг топширилган вазифаларини амалга ошириш устидан назоратни амалга ошириш.

11-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТОПШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ ТУГАТИШ ВА ТЎХТАТИБ ТУРИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

– Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан топширилган вазифалар бажарилиши тутатиладиган, шунингдек муддатидан олдин тутатиладиган ҳолатлар;



– Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан топширилган вазифалар бажарилиши тўхтатиб туриладиган ҳолатлар.

12-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ОЛДИДА ҲИСОБДОРЛИГИ

– Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тегишли республика ижро ҳокимияти органига ҳисобот тақдим этиши;



– Ҳисобот тақдим этмаганликнинг ҳуқуқий оқибатлари.

13-БОБ. ТОПШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

- Топширилган вазифаларни бажармаганлик ёки лозим дара жада бажармаганлик учун жавобгарлик;
- Жавобгарлиқдан озод қилиш асослари.

РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ВАЗИФАЛАРИНИ УЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ БҮЛИНМАЛАРИ, ШУНИНГДЕК ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИГА БЕРИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЁТ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларига бериш бўйича үслубиёт (кейинги ўринларда Услубиёт) республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўз вазифаларини уларнинг ҳудудий бўлинмалари ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларига топшириш тартиб-таомилларини белгилайди.

2. Ушбу Услубиётда қўйидаги атамалардан фойдаланилган:

Функционал шарҳ – республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари ва штат бирликларини оптималлаштириш таҳлили воситаси;

Номарказлаштириш – республика ижро этувчи ҳокимият органларига тегишли бўлган вазифаларни уларнинг ҳудудий бўлинмалари ва жойлардаги ижро ҳокимияти органларига ўtkазиш;

Доимий вазифалар – давлат органлари ўзларининг бутун фаолияти давомида амалга оширадиган вазифалари, яъни у ёки бу даражада доимо устувор турадиган масалаларни ҳал этишга қаратилган вазифаларdir;

Вақтингчалик вазифалар – қисқа муддатли хусусиятга эга бўлган ҳамда белгиланган мақсадга эришилиши билан ҳаракатдан тўхтатиладиган вазифалар;

Ваколатли орган – республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг соҳавий (муассасавий) вазифалари шарҳини амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги;

Маҳаллий ижро ҳокимият органлари – республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари.

3. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топшириш самарадорлик ва иқтисодий рационаллик мезонларига риоя қилиш шарти билан амалга оширилади.

Вазифаларни топшириш барча маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёки фақат белгиланган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тааллуқли бўлиши мумкин.

Вазифаларни топшириш мажбурий тартибда уларни амалга ошириш учун етарли бўлган ҳажмда зарурий молиявий ресурслар ва моддий-техник база билан таъминлаган ҳолда амалга оширилади. Вазифаларни топшириш етарли миқдордаги молиявий ва моддий ресурслар ўтказилгандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

Хусусан, Адлия вазирлигининг доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари ҳисобини рўйхатдан ўтказиш ва муваққат ҳакамлик судларини ҳисобга олишни амалга ошириш функцияси самарадорликни таъминлаш ва иқтисодий рационаллик мезонларига мувофиқ ҳудудий бўлинмаларига юклатилган. Ҳудудларда ҳакамлик судларини ташкил этиш сони ортиб бориши, уларни қонуний ҳисобга олишда алоҳида эътибор талаб қиласди. Шунингдек, мазкур функцияни амалга ошириш учун адлия органларига тушадиган маблағлар ҳудудий бўлинмасига ўтказилади ва яратилган ишчи кучи учун иш ҳаққи сифатида берилади.

4. Вазифаларни топширишда қўйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

а) адолатлилик принципи – номарказлаштиришни амалга

оширишда барча маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари учун тенг шароит ва имкониятларни кафолатлашни назарда тутади;

б) ваколатлар тұлықлиги принципі – маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тәқдим этиладиган ҳар қандай ваколатлар тұлық ва үзига хос бўлиши лозим, уларни амалга ошириш устидан, қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, шикоят қилиш ёки улар бошқа ҳокимият органи томонидан чеклаш мумкин эмас;

с) иқтисодий ресурсларга мувофиқлик принципі – маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари учун ажратилған молиявий ва моддий ресурслар ularга берилған ваколатлар (ваколатларни самарали амалга ошириш учун) ҳажми ва хусусиятларига мувофиқ бўлиши керак;

д) молиявий бирдамлик принципи – ривожланиши энг суст даражада бўлган маъмурий-ҳудудий бирликларга давлат молиявий кўмак кўрсатишни (хусусан, молиявий маблағларни адолатли тақсимлаш механизмларини қўллаган ҳолда) назарда тутади;

э) оммавий ва хусусий, оммавий ва оммавий, оммавий ва фуқаролик соҳалари ўртасида шериклик принципи – у ҳукумат, маҳаллий ҳокимият, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ўртасидаги реал имкониятларни кафолатлашни белгилайди.

4. Вазифаларни топширишда қўйидагиларга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳуқуqlари ва кафолатларининг бузилиши ёки чекланиши;

Суд ҳокимияти, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, миллий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқа давлат вазифаларини топшириш.

5. Мазкур Услубиётнинг амал қилиши номарказлаштириш жараёнида иштирок этадиган республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тааллукли ҳисобланади.

2-БОБ. ВАЗИФАЛАРНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

6. Республика ижро ҳокимияти органлари ўз вазифаларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига қонунчилик талаблари доирасида топшириши мумкин.

7. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини топшириш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бўлса;

– вазифаларни топшириш иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлса;

– вазифаларни амалга ошириш сифати ва самарадорлигини туширмаса ҳамда жамият манфаатларига зиён етказмаса.

Мисол тариқасида, маҳсус иқтисодий зоналар, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини яратиш ҳамда ularга маҳсус ҳуқуқларни ҳудудий ижро органлари орқали тәқдим этиш натижасида ҳудудларда иш ўринлари кенгайди, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш имконияти яратилди.

8. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини маҳаллий ижро ҳокимияти органларига топширишнинг асосий воситаси фаолиятининг функционал шарҳи ҳисобланади.

9. Функционал шарҳнинг асосини эксперт баҳолаш усули ташкил этади, бунда якуний хулоса жамоавий тартибда қабул қилинади.

10. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функционал шарҳи қўйидаги ҳолатларда ўтказилади:

Юқори турувчи органнинг топшириғига кўра;

Республика ижро ҳокимияти органи қайта ташкил этилганда;

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ваколат ва компетенциялар тақсимланганда;

Ваколатли органнинг расмий сўровига кўра;

Республика ижро этувчи ҳокимият органи биринчи раҳбарининг сўровига кўра.

11. Функционал шарҳни бажариш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:



соҳага алоқадор мутахассилар доирасида ишчи гуруҳ тузиш;



ишчи гуруҳ томонидан маълумотларни тўплаш;



Тўпланган маълумотлар натижасида функционал шарҳни амалга ошириш.

Масалан, Адлия вазирлиги марказий аппаратига тегишли бўлган нотариуслар малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш ва бошқа жойга ўтказиш (ротация) вазифасини ҳудудий бўлинмаларга беришда, дастлаб ишчи гуруҳ тузилади, ишчи гуруҳ бугунги кундаги фаолият юритаётган нотариуслар сони, аҳоли сонига нисбатини таҳлил қиласи, ҳудудлар учун ягона методологиясини ишлаб чиқиш ва ҳудудларга мазкур функцияни амалга оширувчи штат бирликларнинг ва уларнинг иш юкламаси таҳлили, янги иш ўринларини ташкил этиш зарурати ва республика доирасида тегишли мониторингни амалга оширувчи шахсн, функцияни ҳудудий бўлинмага тушириш муддатлари инобатга олувчи функционал шарҳ ишлаб чиқиласи.

З-БОБ. ФУНКЦИОНАЛ ШАРҲНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ИШЧИ ГУРУҲ ТУЗИШ

12. Функционал шарҳни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек мазкур Услубиёт қоидаларига таянган ҳолда фаолиятини ташкил этади.


13. Ишчи гуруҳ фаолиятининг мақсади республика ижро этувчи ҳокимият органи вазифаларининг унинг вазифа ва мақсадларига мувофиқлигини аниқлаш, республика ижро этувчи ҳокимият органи фаолиятида қайтарилишларни истисно қилиш, вазифаларини маҳаллий ижро ҳокимияти органларига топширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек республика ижро этувчи ҳокимият органи вазифаларини бажариш учун штатлар сонининг энг самарали миқдорини аниқлашдан иборат.

14. Ишчи гуруҳ фаолияти ваколатли орган томонидан мувофиқлаштирилади.

15. Ишчи гурухнинг вазифаси функционал шарҳ хulosалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

16. Ишчи гурух таркиби ваколатли органнинг биринчи раҳбари ёки унинг ўрнини номидан иш юритишга ваколатли шахснинг бўйруғи билан тасдиқланади.

17. Ишчи гурухнинг таркибига қўйидагиларни киритиш тавсия қилинади:



4-БОБ. ВАКОЛАТЛИ ОРГАН ВАКОЛАТЛАРИ

18. Ваколатли орган номарказлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул ҳисобланади ва бунда қўйидаги ваколатларга эга бўлади:

- номарказлаштиришнинг умумий стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш;
- Республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда номарказлаштириш жараёнини техник мувофиқлаштириш ва мониторингини амалга ошириш;
- номарказлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа вазирлик ва муассасалар билан услубий кўмак бериш;
- Конунга мувофиқ равишда номарказлаштириш, шунингдек Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топшириш ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар бўйича ташаббус ва лойиҳаларга оид хуносалар бериш;
- Номарказлаштириш натижаси бўйича мақсадга эришилмаган, самарадорлиги таъминланмаган вазифаларни марказий органга қайтариш таклифларини ишлаб чиқади;
- Ваколатли орган бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-БОБ. ФУНКЦИОНАЛ ШАРҲНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР ТЎПЛАШ

19. Номарказлаштириш соҳасида функционал шарҳни амалга оширишда таҳлил қилиниши керак бўлган маълумотлар қўйидагиларни ўз ичига олади:



республика ижро этувчи ҳокимият органи ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари;



республика ижро этувчи ҳокимият органининг мақсади, умумий вазифалари ва фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатлари;



дастурий ҳужжатлар ва улар амалга оширилгани ҳақидаги маълумотлар;



ташқи манбалардан олинган бошқа маълумотлар.

20. Ташқи манбалардан олинган маълумотлар Республика ижро ҳокимияти органининг вазифаларини амалга оширишнинг ҳолати ва бориши ҳақидаги мустақил статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотлар, шунингдек мазкур соҳада давлат бошқаруви масалалари бўйича экспертларнинг тадқиқотлари ва халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларини ўз ичига олади.

22. Функционал шарҳни амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш якунлари бўйича Ишчи гурӯҳ вазифаларни белгилаш

доирадиса үрганилаётган республика ижро этувчи ҳокимият органи фаолиятининг таҳлилини ўтказади.

23. Давлат органлари вазифаларини белгилаш доирадидаги таҳлил қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

 республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ортга қайтариш имконини берувчи вазифаларини белгилаш;

 республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вертикал туташ вазифаларини белгилаш;

 номарказлаштириш учун таклиф этилган давлат органларининг вазифалари рўйхатини шакллантириш.

6-БОБ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ОРТГА ҚАЙТАРИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ВАЗИФАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

24. Республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ортга қайтариш имконини берувчи вазифаларини белгилаш қайтарилувчи вазифалар мувофиқлиги мезони асосида амалга оширилади. Бунда Ишчи гурӯҳ томонидан давлат функциялари, давлат органларини ривожлантириш режаларининг мақсадлари давлат органларининг вазифаларига мувофиқлиги даражасининг экспертиз асосида баҳолаш амалга оширилади.

25. Эксперт хулосаси асосида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ортга қайтариш имконини берувчи вазифалар ўз ваколатида сақланиб қолиши мақсадга мувофиқ бўлган давлат органи белгиланади.

Шундан сўнг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатидан чиқариш учун таклиф қилинаётган ортга қайтариш имконини берувчи вазифалар рўйхати бўйича таклифлар шакллантирилади.

7-БОБ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВЕРТИКАЛ ТУТАШ ВАЗИФАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ

26. Давлат органларининг вертикал туташ вазифаларини белгилаш Ишчи гурӯҳ томонидан қўйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади:

1) давлат органлари вазифаларини мавжуд вертикал белгиланишини сақлаб қолишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини вертикал белгиланганлигини сақлаб қолиш вазифаларини амалга ошириш соҳалар бўйича ўзаро ҳаракатини эксперт таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Агар вазифаларни амалга оширишнинг моҳияти (мазмуни, мақсади) ва техник хусусиятлари (ёки миллий хавфсизлик билан боғлиқ) вазифаларни амалга ошириш жараёни уларнинг мақсадли гурӯҳларига адекват ўхшашлигини таъминлаш учун уларни давлат бошқарувининг турли даражаларида сўзсиз бажарилишини талаб этса, у ҳолда ишчи гурӯҳ томонидан Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини мавжуд вертикал белгилаш ҳолатини сақлаб қолиш таклиф этилади;

Мисол тариқасида, тегишли соҳада руҳсатнома ва лицензия бериш, ходимни ишга олишини ҳудудий бўғинга бериш корупциявий хавф-хатар ва таниш-билишчиликни ошишига сабаб бўлади.

2) маҳаллий ижро органларининг вертикал туташ вазифаларни амалга оширишга тайёрлигини баҳолаш.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларини мавжуд вертикал белгилаш ҳолатини сақлашнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланмаса, Ишчи гурӯҳ томонидан меҳнат ресурси, молиявий таъминот, ахборот ресурслари, шундай давлат вазифаларини амал ошириш тажрибасининг етарлилик даражаси таҳлилини эътиборга олган ҳолда вертикал туташ вазифаларни амалга ошириш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари салоҳиятига экспертилек баҳоси берилади.

Агар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари вертикал туташ вазифаларни амалга оширишга тайёр, деб белгиланса, у ҳолда Ишчи гурӯҳ давлат органларининг вазифаларини мавжуд вертикал белгилаш бекор қилишни таклиф қиласди.

Агар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари вертикал туташ вазифаларни амалга оширишга тайёр эмас, деб белгиланса, у ҳолда Ишчи гурӯҳ томонидан давлат органлари вазифаларини мавжуд вертикал белгилаш тартибини сақлаб қолиш таклиф этилади ва вазифаларни мақсадли гурӯҳга максимал даражада яқинлаштириш учун истиқболда маҳаллий ижро органларини вертикал туташ вазифаларни амалга оширишга тайёrlигини таъминлаш бўйича чоралар ишлаб чиқиласди.

27. Давлат органлари вертикал туташ вазифаларни белгилаш учун Ишчи гурӯҳ қўйидагилар бўйича таклифлар шакллантиради:

девлат бошқарувининг амалдаги таркибиға киритилган давлат органи ваколатидан ёки бошқа давлат органлари ваколатидан чиқариш таклиф этилаётган вертикал туташ вазифалар рўйхати (яъни, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топшириш бўйича рўйхат);

вертикал туташ вазифаларни амалга ошириш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг салоҳиятини оширишга қаратилган чоралар.



8-БОБ. РЕСПУБЛИКА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИНИ МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИГА ТОПШИРИШНИ МЕЪРИЙ-ХҮҚУҚИЙ МУСТАҲКАМЛАШ

28. Ишчи гурӯҳ томонидан ўтказилган ўрганишлар асосида ваколатли орган кўриб чиқиши учун вазифаларни топшириш бўйича функционал шарҳнинг натижаларини, шунингдек номарказлаштириш масалалари бўйича бошқа таклиф ва тавсияларни киритади.

Бунда таклифлар тақдимот кўринишида киритилади ва уларга таҳлилий маълумот, жадваллар, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш бўйича маълумотлар ва бошқа материаллар, шунингдек зарурият туғилганда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси илова қилинади.

29. Ваколатли орган 15 иш кунида Ишчи гурӯҳ томонидан мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартиб-таомилга риоя қилинishi бўйича тайёrlangan барча материалларни кўриб чиқади ва қўйидагилардан бирини маълум қиласди:



Вазифаларни топширишнинг функционал шарҳи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уларни бажаришга тайёrligli тартибиға амал қилинганда – ижобий хулоса;



Вазифаларни топширишнинг функционал шарҳи ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг уларни бажаришга тайёrligli тартибиға амал қилинмаганда – салбий хулоса.

Ваколатли орган тайёrlangan таклифларни Ишчи гурӯҳ ва тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимиятлар вакиллари иштирокида қўшма муҳокамаларни ташкил қилиши мумкин.

30. Ваколатли орган томонидан таклифлар маъқулланганда Ишчи гурӯҳ вазифаларни топшириш ҳақида тайёрланган таклифларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлашни назарда тутивчи меъёрий-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлайди ва қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

9-БОБ. РЕСПУБЛИКА ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ НОМАРКАЗЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

31. Республика ижро этувчи ҳокимият органи ўз вазифаларини маҳаллий ижро ҳокимияти органларига топширишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

 Ўз ваколати доирасида топширилган вазифаларни амалга ошириш масалалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатларни қабул қилиш;

 Топширилган вазифаларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

 Топширилган вазифаларни амалга ошириш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топширилган, мақсадли сарфланмаган маблағларни белгиланган тартибда қайтариб олиш.

Республика ижро этувчи ҳокимият органи ўз ваколатлари доирасида қўйидаги мажбуриятларга эга:

Топширилган вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш учун мўлжалланган моддий, молиявий ва бошқа маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда топшириш;

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топширилган вазифаларни амалга оширишлари учун услубий, ташкилий, маслаҳат ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини зарур ҳуқуқий, техник ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлаш;

Топширилган вазифаларнинг бажарилиши ва моддий, молиявий ҳамда бошқа маблағларнинг мақсадли қўлланилиши устидан назоратни амалга ошириш.

32. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари топширилган вазифаларни амалга оширишда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Топширилган вазифаларни амалга оширилишини таъминлаш учун мўлжалланган моддий, молиявий ва бошқа маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда топширилишини талаб қилиш;

Республика ижро этувчи ҳокимият органидан услубий, ташкилий, маслаҳат ва бошқа ёрдам олиш.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари топширилган вазифаларни амалга оширишда қўйидаги мажбуриятларга эга:

- Ўзларига топширилган вазифаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда амалга ошириш;
- Топширилган вазифаларни бажариш учун берилган моддий, молиявий ва бошқа маблағлардан фойдаланиш устидан текширувларни ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтказилиши учун шароит яратиш;
- Давлат органларига топширилган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳандай бораётгани ҳақида ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш;
- Топширилган вазифаларнинг бажарилиши натижалари ҳақида тегишли давлат органига ўз вақтида ҳисобот тақдим этиш.

10-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИГА ДАВЛАТ ВАЗИФАЛАРИНИ ТОПШИРИШ МУДДАТЛАРИ. ТОПШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

33. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тажриба тариқасида белгиланган ва белгиланмаган муддатга топширилади.

Бунда:

Вазифаларни тажриба тариқасида белгиланган муддатга топширилган ҳолда уларни маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиш муддатлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда кўзда тутилади (ушбу вазифалар ана шу ҳужжатларга мувофиқ топширилади);

Вазифаларни топшириш муддати меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда кўзда тутилмаган бўлса, давлат вазифалари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига белгиланмаган муддатга топширилган деб тан олинади.

34. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари топширилган вазифалар устидан назорат ўрнатиш мақсадида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ваколатли органни хабардор қилган ҳолда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг топширилган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда фойдаланиш учун топширилган маблағлардан мақсадли фойдаланилганлигидан хабардор бўлиш мақсадида текширувларни амалга ошириш;

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидан топширилган вазифаларнинг бажарилиши ва берилган маблағлардан мақсадли фойдаланилганлиги ҳақидаги зарур маълумотларни сўраб олиш;

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг топширилган вазифаларни амалга ошириш ва уларни бажариш учун берилган маблағлардан фойдаланиш борасида услубий ишларини ўтказиш ва фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш.

35. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг топширилган вазифаларни амалга ошириши устидан назоратни қўйидаги кўринишда амалга оширади:

- Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг топширилган вазифаларни амалга ошириши борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан топширилган вазифаларнинг бажарилганлигининг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб ва муддатларда ҳисобот қабул қилиш;
- Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг топширилган вазифаларни бажарганликлари ва уларни амалга ошириш учун берилган маблағлардан фойдаланганликлари устидан текширувлар ўтказиш;
- Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топширилган вазифаларни амалга ошириш масалалари бўйича тавсиялар бериш;
- Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинган қарорларни қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги нұқтаи-назаридан баҳолаш.

11-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТОПШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ ТУГАТИШ ВА ТЎХТАТИБ ТУРИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

36. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан топширилган вазифаларнинг бажарилиши қўйидаги ҳолатларда тугатилиши мумкин:



Топширилган вазифани белгиловчи меъерий-хуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимча киритиш;



Топширилган вазифани белгиловчи меъерий-хуқуқий ҳужжатнинг кучини йўқотган, деб тан олиш;



Топширилган вазифани белгиловчи меъерий-хуқуқий ҳужжатни конституцияда белгиланган нормаларга зид деб тан олиш.

37. Топширилган вазифалар республика ижро этувчи ҳокимият органи ёки ваколатли орган ташаббуси билан муддатидан аввал тутатилиши мумкин.

38. Топширилган вазифалар республика ижро этувчи ҳокимият органи ёки ваколатли орган ташаббуси билан муддатидан аввал тутатилиши қўйидаги ҳолатларда мумкин бўлади:

1.

Агар юзага келган шароитларда топширилган вазифалар бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан энг самарали бажарилган бўлса;

2.

Топширилган вазифаларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тизимили равишда бузилган ҳолларда;

3.

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан топширилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги ҳолатларида;

4.

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан топширилган вазифаларни амалга ошириш учун берилган моддий, молиявий ва бошқа маблағларнинг мақсадсиз ишлатилган ҳолатларда (агар бу қоидабузарликлар маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан берилган вазифаларнинг бажарилишини мураккаблаштирувчи шароитларни келтириб чиқарган бўлса).

39. Топширилган вазифаларни бажариш учун моддий, молиявий ва бошқа маблағларни тақдим этиш уч ой ва ундан ортиқ муддат тўхтатилган ҳолатда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари кўрсатилган ваколатларни давом эттиришдан воз кечишига ҳақли.

12-БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ОЛДИДА ҲИСОБДОРЛИГИ

40. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тегишли республика ижро ҳокимияти органига белгиланган муддатларда топширилган вазифаларнинг бажарилгани ва уларни бажариш учун ажратилган моддий, молиявий ва бошқа маблағлардан фойдаланилгани тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

41. Белгиланган муддатларда топширилган вазифаларнинг бажарилгани тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлмайди.

13-БОБ. ТОПШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

42. Топширилган вазифаларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

43. Топширилган вазифаларнинг бажарилиши зарур маблағлар билан таъминланмаган ёки республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари натижасида уларни бажариш мумкин бўлмаган ҳолатларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари жавобгарликдан озод қилинади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, давлат бошқарувини номарказлаштиришнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилиши, номарказлаштириш ишлари фақатгина ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда босқичма-босқич олиб борилиши, мазкур ислоҳотлар тўғри ва тўлиқ амалга оширилишига, кўзланган мақсадларга эришилишига ҳамда давлат ва жамият янада ривожланишига олиб келади.

Мазкур услубиёт номарказлаштиришга оид ислоҳатларнинг мазмун-моҳиятини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан англашга, унинг ижобий жиҳатларини тушунишга ёрдам беради.

Шунингдек, мазкур услубиёт хизмат вазифалари давлат бошқарувини номарказлаштириш билан боғлиқ бўлган давлат хизматчиларига номарказлаштириш жараёнларини мазкур соҳадаги асосий тамойилларга асосан, босқичма-босқич тўғри ва самарали равишда олиб боришларига кўмаклашади.

Бундан ташқари, давлат бошқарувини номарказлаштириш самарадорлигини янада ошириш, ушбу ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга тез ва тўлиқ эришилишини таъминлаш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

1. Республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, вилоятдан туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органларига ўтказишни босқичма-босқич ва эксперимент ўтказиш тамойиллари асосида амалга ошириш.

Бунда юқоридан пастга тушрилган ҳар бир функцияни лозим даражада ишлатилаётгандиги устидан қатъий назорат қилишнинг, шу жумладан жамоатчиликнинг иштирокини очиқлик орқали таъминлайдиган аниқ механизмларини белгилаш.

2. Республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очиқ реестрини маромига етказиш. Бунда:

- республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг вазифа (функция) ва ваколатлари чегарасини аниқ белгилаш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш орқали соҳадаги натижадорлик бўйича масъулият ва жавобгарликни ошириш;
- маҳаллий ҳокимликлар ва халқ депутатлари Кенгашларининг ваколат ва жавобгарлик доирасини аниқ чегаралаш орқали ҳудудларда ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва ваколатлар мувозанатини амалда таъминлаш;
- маҳаллий ҳокимликларнинг функцияларини амалга ошириш механизмлари ва ресурслар билан таъминлаш, уларнинг ташкилий тузилмаси ва штат бирликларини ҳудуднинг географик жойлашуви, аҳоли сони ва бошқа зарур мезонларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш;
- маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш орқали ҳудудларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш ва самарали амалга ошириш;
- ҳудудлардаги масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимликлар ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятларини



янада кенгайтириш ҳамда маблағлар сарфланиши юзасидан жамоатчилик иштирокини ошириш.

3. Давлат бошқарувини номарказлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда қўйидаги масалаларни акс эттириш:

- номарказлаштириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган стратегияни тасдиқлаш;
- республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функция ва ваколатларини ҳудудий бўлинмалар ва маҳаллий ҳокимликларга ўtkазиш механизmlarini (тартиби) аниқ белгilaш;
- республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ва маҳаллий ҳокимликларга ўtkazish mumkin bўlgan функция ва ваколатларini йillar kесimida rўyhatinи шакllantiriш;
- номарказлаштириш билан шуғулланадиган маҳсус ишчи гурухлар ва комиссия тузиш ҳамда ушбу ишларни муво-фиқлаштириш бўйича давлат органини белгilaш.

4. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг турли даражадаги давлат органларининг вазифа ва функциялари доирасини белгиловчи қонунчилик асосларини белгilaш.

Хусусан, қўйидагилар ўртасида вазифалар ва функцияларнинг аниқ тақсимотини белгilaш:



Бунинг учун ҳар бир давлат органининг низоми тўлиқ таҳлилдан ўтказилган ҳолда барча вазифа ва функциялар марказий аппаратлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари орасидаги тақсимоти белгилаб берилиши лозим ҳамда ҳокимлик билан ишларни ташкил қилиш механизmlari белгиланиши мақсадга мувофиқ.

**РЕСПУБЛИКА ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ
ФУНКЦИЯЛАРИНИ УЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ,
ШУНИНГДЕК МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИГА
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЁТ**

Нашр учун масъуллар:

А. Мусаев, Ш. Абдуллаев, М. Ахмедов

Муаллифлар:

**Э. Шайдулин, А. Сагдуллоев, Д. Бобуржон, Ш. Абдуллаев,
Ф. Кулдашев**

Компьютерда саҳифаловчи:

Ж. Ғофуров

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лиц. АI № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-үй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

e-mail: info@adolatmarkazi.uz

Босишга рухсат этилди 30.09.2024 й.

Қоғоз бичими 60x84 1/16. «Calibri» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи ***

Нашриёт ҳисоб табоғи ***. Адади *** нусха.

***-буортма. Нархи шартнома асосида.